

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВА ПРОДА БАХРАМЖАНОВНА**

**АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020**

**Фан доктори (Dsc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Dsc) диссертации**

**Content of the Doctoral (Dsc) Dissertation Abstract**

**Рустамова Ирода Бахрамжановна**

Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари..... 5

**Рустамова Ирода Бахрамжановна**

Научно-методические основы повышения эффективности инновационных процессов в аграрном секторе.....

**Rustamova Iroda Baxramjanovna**

Scientific and methodological foundations for improving the efficiency of innovative processes in the agricultural sector .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РУСТАМОВА ИРОДА БАХРАМЖАНОВНА**

**АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

08.00.04 - Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2020**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 2020.I.DSc/Iqt15 -рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tiime.uz](http://www.tiime.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-илмий порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Саматов Ғаффор Аллакулович,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Назарова Фотима Хакимовна,**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Алиев Яшнар Эгамбердиевич,**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Хамраева Сайёра Насимовна,**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Dsc 03/30.01.2020.I.10.03- рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiime.uz](mailto:admin@tiime.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiime.uz](mailto:admin@tiime.uz)

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ў.П.Умурзаков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Ф.Султанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., кат.и.х.

**Н.С.Хушматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тажрибасига мувофиқ билимларга асосланган янги маҳсулот, хизмат ва технологик жараёнларни яратиш, жорий этиш ва кенг тарқатиш ишлаб чиқариш, бандлик ва инвестициялар ҳажмининг муҳим омилига айланган бўлиб, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат ва моддий харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг интенсив моделини шакллантириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ҳар қандай мамлакат рақобатбардошлигини ўсиб боришининг аҳамиятли омили унинг босқичма-босқич инновацион тараққиёт йўлига ўтиши билан асосланади. Олимларнинг фикрига кўра, XXI асда турли мамлакатларнинг стратегик жиҳатдан аҳамиятли бўлган муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль – билимларга асосланган иқтисодиётга ёки инновацион иқтисодиёт таянади<sup>1</sup>. Сўнгги 15 йил ичида АҚШ ва Ғарбий Европада инновациялар соҳасида ишлаётганлар сони икки мартага, Жанубий-Шарқий Осиёда эса 4 бараварга кўпайган. Европа Иттифоқида инновацион фаол саноат корхоналарининг улуши 56 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг 75 фоизи айнан инновациялар ҳисобига тўғри келмоқда<sup>2</sup>.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида истиқболда озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон талабининг кескин даражада ўсиши ва чекланган табиий ресурслар учун рақобат курашининг кескинлашуви билан тўкнашиб, мазкур ўзгаришларга мослашишни талаб этади. Инновациялар, ўсиб бораётган талабни қондириши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор ишлаб чиқариш, ишлов бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни, чиқиндиларни йўқотишни бирлаштирадиган ва озиқ-овқат тизими, деб ном олган тармоқ мажмуини кенгайтиришга кўмаклашадиган муҳим воситалар сифатида намоён бўлади<sup>3</sup>. Олимларнинг тахминларига кўра, 2050 йилга бориб Ер сайёраси аҳолиси 9,6 миллиардга етиб, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун бугунгига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришни 60 фоизга ошириш зарур бўлади<sup>4</sup>. Агар хорижий тенденцияларга эътибор берсак, ҳар йили 1 млн. аҳолига тўғри келадиган яратилган инновациялар сони (хорижий патент идораларида тан олинган): АҚШ да – 261,7; Японияда – 213,0; Германияда – 206,3; Францияда – 171,9; Россияда – 1,3ни ташкил этмоқда<sup>5</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон республикасида илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг янада кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш

<sup>1</sup> <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/2851-sergej-voronin-stimulirovanie-innovatsionnogo-razvitiya-v-respublike-uzbekistan>

<sup>2</sup> [http://www.innovation.uz/docs/FORMING\\_NIS.pdf](http://www.innovation.uz/docs/FORMING_NIS.pdf)

<sup>3</sup> [https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article\\_0006.html](https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article_0006.html)

<sup>4</sup> <http://www.fao.org/3/c-i6273r.pdf>

<sup>5</sup> Гулямов С.С. Пандемия оқибатларини баргараф этишда инновацион иқтисодиётнинг аҳамияти. Молия ва Банк иши (электрон илмий журнал). Пандемия ва иқтисодиёт. (махсус сон) №2. 2020. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz)

ва қўллаш, инновацион технологиялар, илғор тажрибаларни жорий этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда аграр соҳани ривожлантириш йўлида олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари соҳанинг энг қуйи бўғинларигача етиб бормасдан, йиллар давомида ўз ечимини топа олмаётган муаммолар қишлоқ хўжалиги соҳасини янада жадал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Шу боис, истиқболда аграр соҳада “...илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб чиқариш билан интеграциялашган билимларни тарқатишнинг самарали механизмларини яратиш, илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш”<sup>6</sup> устувор вазифа қилиб белгиланган. Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг илмий-назарий ва методологик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрь ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил 20 ноябрь ПҚ-4020-сон «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 апрель ПҚ-4292-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 19 август ПҚ-4421-сон «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 21 сентябрь ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрь ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>7</sup>. Аграр соҳада инновацион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони

<sup>7</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.wur.nl/en.htm>, <http://www.fao.org/about/what-we-do/ru/>, <https://www.icarda.org/research/innovations>, <https://open.undp.org/projects>, <http://www.rda.go.kr/foreign/ten/>, <https://www.osu.edu/research/>, <https://msu.edu/research/>, <https://www2.calstate.edu/impact-of-the-csu/research/ari>, <http://www.vniiesh.ru/results/katalog/2302>, <http://kare.ucanr.edu/>, <https://agsci.psu.edu/research/extension-centers/frec> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

марказларида, жумладан Вагенинген университети ва тадқиқотлар маркази (WUR), Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO), Қурғоқчил худудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро марказ (ICARDA), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (UNDP), Глобал Экологик Жамғарма (GEF), Корея давлатининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Администрацияси (RDA), К.А.Тимирязев номи МКХА – Россия давлат аграр университети томонидан олиб борилмоқда.

Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга ошириш бўйича жаҳонда олиб борилган изланишлар асосида Кёрней қишлоқ хўжалиги тадқиқоти ва экстеншн маркази (АҚШ), Пенсильвания давлат қишлоқ хўжалиги фанлари коллежининг экстеншн маркази (АҚШ) томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига инновацияларни тарғиб қилиш ва жорий этишда ахборот-маслаҳат хизматларини (extension) ривожлантиришнинг йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган; Бутунроссия ўсимликшунослик институти (Россия)да ўсимликчиликда инновацион технологияларни яратиш ва жорий этиш ҳамда Бутунроссия қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти (Россия)да эса инновацион технологиялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган.

Ҳозирги даврда дунё миқёсида аграр соҳада инновацион жараёнлар ва уларни самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш; инновацион технологияларни самарадорлигини баҳолаш; қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларини ривожлантиришнинг илмий асосларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиётнинг аграр соҳасида инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш муаммолари доирасида хорижий давлатлар олимлари томонидан йирик тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, J.C.Aker, F.C.Anaeto, B. Gebremedhin, K.Knickel, A.Knierim, P.Labarthe, V.Hoffmann, J.Harrington, N.C.Havkins<sup>8</sup> ва шу каби олимларнинг илмий ишлари шулар жумласидандир.

---

<sup>8</sup> Aker, J. C. (2011), Dial “A” for agriculture: a review of information and communication technologies for agricultural extension in developing countries. *Agricultural Economics*, 42: 631-647. USA.; Anaeto F.C., Asiabaka C.C., Nnadi F.N, Ajaero J.O., Ugwoke F.O., Ukpogson M.U & Onweagba, A.E. (2012). The role of extension officers and extension services in the development of agriculture in Nigeria. *Wudpecker, Journal of Agriculture Research*, 1(6):180-185. Nigeria.; Gebremedhin B.; Hoekstra, D.; Tegegne, A. Nairobi (Kenya). Improving Productivity and Market Success of Ethiopian Farmers Project (IPMS). 2006. Commercialization of Ethiopian agriculture: extension service from input supplier to knowledge broker and facilitator. IPMS Working Paper 1. Nairobi (Kenya).; Knickel, K., Brunori, G., Rand, S., & Proost, J. (2009). Towards a better conceptual framework for innovation processes in agriculture and rural development: From linear models to systemic approaches. *The Journal of Agricultural Education and Extension*, 15, 131-146.; Knierim, A., Labarthe, P., Laurent, C., Prager, K., Kania, J., Madureira, L., & Ndah, T. H. (2017). Pluralism of agricultural advisory service providers—Facts and insights from Europe. *Journal of Rural Studies*, 55, 45-58.; Hoffmann, V., Lamers, J. P., & Kidd, A. D. (2000). Reforming the organisation of agricultural extension in Germany: Lessons for other countries. ODI.

Шунингдек, аграр соҳада инновацион жараёнлар ва уларнинг ривожланиши муаммолари бўйича МДХ давлатлари олимларидан В.М.Аньшин, А.П.Живаев, В.М.Кошелев, Л.В.Лёвина, А.В.Луговцов, Г.Н. Сташевская, В.Ф.Стукач<sup>9</sup> ва шу каби олимларнинг илмий натижалари эътиборга молик саналади.

Республикамизда ҳам аграр иқтисодчи олимлардан У.П.Умурзаков, К.А.Чориев, О.Муртазаев, Н.С.Хушматов, Ф.Т.Эгамбердиев, Б.Т.Салимов, Г.А.Саматов, С.Р.Умаров, А.Мухторов<sup>10</sup> каби олимлар томонидан қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва ошириш муаммоларига бағишланган йирик тадқиқотлар олиб борилган ҳамда эътиборга молик илмий натижаларга эришилган.

Мазкур олимларнинг назарий ишланмалари, таклиф ва тавсиялари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилганлигини қайд этган ҳолда аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш, ахборот-маслаҳат хизматлари, аграр соҳада технологик парклар фаолияти, қишлоқ хўжалигида инновацияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш механизмлари, усуллари ва йўллари бўйича замонавий талаблар асосида етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги бу йўналишда мақсадли тадқиқотлар олиб бориш заруриятини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси,

---

<sup>9</sup> Аньшин В.М. Инновационный менеджмент: Концепции, многоуровневые стратегии и механизмы инновационного развития: учебное пособие – М.: Дело, 2006. – 584 с.; Живаев А.П. Развитие информационно-консультационных услуг в аграрном секторе экономики: дисс. канд.экон.наук. Екатеринбург, 2009, 207 с.; Кошелев В.М. Организационно-консультационное обеспечение принятия управленческих решений в АПК: дис. ... д-ра экон. наук: Москва, 2006. 333 с.; Лёвина Л.В. Организационно-экономический механизм трансферта технико-технологических инноваций в сельскохозяйственное производство: дис. к.э.н.. Москва. 2010 г. 170 с.; Луговцов А.В. Формирование и развитие технопарков как инновационной формы бизнеса: авт. дисс. к.э.н.. Екатеринбург. 2008. 24 с.; Сташевская Г.Н. Формирование механизма развития инновационного кластера на базе профильного технопарка: Авт. дисс на соиск к.э.н.. Санкт-Петербург. 2009. 17 с.; Стукач В. Информационно-консультационные услуги в АПК. (региональный аспект): Учебное пособие/В.Ф.Стукач, В.Помогаев, С.Л.Петуховский. - Омск: Изд-во ОмГАУ, 2003. – 524 с.

<sup>10</sup> Умурзаков.У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики (на материалах Республики Узбекистан): дисс... д.э.н.. Т.: 2003. – 272 с.; Чориев К.А. Қишлоқ хўжалигини инновациялар асосида модернизациялаш самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: ЎзБИИТИ, – 2013. – 35 бет; Муртазаев О. Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари: дисс. и.ф.д. Самарқанд 2008.; Хушматов Н.С. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари: дисс. и.ф.д. Т.: 2004.; Эгамбердиев Ф.Т. Региональные особенности развития агропромышленного производства в условиях либерализации экономики: дисс. д.э.н. Т.: 2003.; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистан): дисс д.э.н. Т.: 1992.; Саматов Г.А., Рустамова И.Б. Инновационная техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши. //Иқтисодиёт ва таълим. №1 2015 г 48-52 б.; Умаров С.Р. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш: дисс. и.ф.д. Т.: 2017.; Мухторов А.Х. ва бошқ. Аграр соҳани инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари (Монография) – Т.: ҚХИИТИ, 2014. – 98 бет.

шунингдек, К17-025-сонли-«Аграр соҳада инновацияларни ривожлантириш учун ахборот технологиялари хизматларини жорий этиш тизимини яратиш» (2009-2011 йй.), Қурғоқ худудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини ўтказиш халқаро маркази (ICARDA)нинг АҚШ элчихонаси молиявий ёрдами асосида «Тренинглар, самарадорлик кўникмаларини ошириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни кўпайтириш ва тажриба алмашуви орқали қишлоқ тадбиркор аёлларининг имкониятларини ривожлантириш учун «экстеншн» ахборот-маслаҳат хизматларини ташкил этиш» (2013-2014 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳаси, Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё давлатлари ташаббуси II босқичи доирасида «Билимларни бошқариш» (2013-2015 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Корея республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш администрацияси «КОPIA Uzbekistan Center» томонидан «Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни жорий этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги билимларини таркатиш тизимини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.), ПЗ-20170928458-сонли «Қишлоқ хўжалигида инновацион, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни такомиллаштириш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва халқаро лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий нуқтаи назардан асослаш;

қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг индикаторлар тизимига асосланган илмий-услубий ёндашувни ишлаб чиқиш;

аграр тармоқда инновацион жараёнларга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг эконометрик таҳлили асосида соҳани ривожлантириш бўйича прогнозларни амалга ошириш;

институционал ислохотларни чуқурлаштириш шароитида илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда аграр соҳада илм-фан, таълим, ахборот-маслаҳат хизматлари ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда инновацияларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

аграр соҳада ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этишнинг оптимал шакллари танлаш моделини ишлаб чиқиш;

аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги тизимида фаолият юритаётган турли даражадаги ташкилий-бошқарув тузилмалари, корхона ва ташкилотлар, олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр соҳада инновацион жараёнлар билан боғлиқ бўлган ташкилий ва иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида умумлаштириш ва гуруҳлаш усуллари, қиёсий ва динамик таҳлил, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик услублар, монографик кузатиш, башоратлаш ва мантиқий ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини “ресурстежамкорлик коэффиценти”, “инновацияни ялпи ўсиш коэффиценти”, “технологиянинг инновационлик даражаси” каби кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда аниқлашга қаратилган индикаторлар тизимига асосланган услубий ёндашув такомиллаштирилган;

тизимли эконометрик таҳлиллар натижаларига асосан қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш ҳисобига эришиладиган ялпи маҳсулотнинг 2025 йилгача мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари аниқланган;

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига инновацион технологияларни тарғиб қилиш ва жорий этиш мақсадида ахборот маслаҳат марказларини (extension center) ташкил этиш механизми асосланган;

«Агротехнопарк»ни ташкил этиш асосида аграр соҳада самарали инновацион технологияларни яратиш ва ишлаб чиқиш имкониятлари асосланган;

қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлашга қаратилган Стратегия ва йўл харитаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги соҳасини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, аграр соҳада инновация ва инновацион жараёнга оид муаллифлик таърифи берилган;

қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этиш натижасида иқтисодий самарадорликни баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

аграр соҳада инновацион хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг оптимал шаклларини танлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

аграр соҳада инновацион жараёнларни мувофиқлаштириш тизимини шакллантириш бўйича таклифлар тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги иқтисодчи олимларнинг аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот жараёнида олинган илмий таклифлар қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари қишлоқ хўжалигига жорий этилаётган инновацион технологияларни самарали эканлигини асослаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш ва маслаҳат хизматларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси бошқарувида билимларни тарғиб қилиш ва жорий этиш тизимини шакллантириш бўйича тавсиялар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва уларнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятида ҳамда Олий ўқув юртларида ўқитиладиган «Агроконсалтинг», «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Инновацион иқтисодиёт» каби фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашдаги услубий ёндашувлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган услублар орқали тупроққа ишлов бермасдан кузги буғдой экиш технологиясидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги суғориладиган ерларда 1 га учун 1,14 млн. сўмни ва лалми ерларда 1 га учун 411,58 минг сўмни ташкил этиши, тупроқни органик моддалар билан бойитиш орқали унинг унумдорлигини ошириш технологиясини кўллашнинг иқтисодий самарадорлиги 1 га учун 3,5 млн. сўмни ташкил этиши асосланган;

қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учун кўп омилли эконометрик модель асосида 2025 йилгача мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларда қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларни таҳлил қилиш, мазкур жараёнларнинг ҳолатини аниқлаш ҳамда бу йўналишда қандай ишлар олиб бориш кераклиги белгилаш учун кўп омилли эконометрик моделлардан фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциялашувини ривожлантиришга қаратилган туманларда қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши

натижасида Самарқанд вилояти Самарқанд туманида давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида юридик шахс мақомига эга бўлган ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилган ва 10 та иш ўринлари яратилган. Шу билан бирга, ахборот-маслаҳат марказларининг ташкил этилиши қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар ва илғор тажрибаларни тарғиб қилиш ҳамда жорий этиш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларнинг ҳосилдорлиги 15-25 фоизга ошиши имконияти асосланган;

билимларни тарғиб қилувчи мутахассис ва маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларида ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Тошкент давлат аграр университети ва филиалларида ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилган. Мазкур таклиф қишлоқ хўжалиги билимларини тарғиб қилувчи мутахассислар ва маслаҳатчиларни тайёрлаш имконини берган;

қишлоқ хўжалигида юксак самарали, инновацион технологияларни яратиш бўйича пилот лойиҳалар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш мақсадида «Агротехнопарк»ни ташкил этиш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётга жорий этилиши қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмаларни ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш, пировардида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини 10-20 фоизга ошириш имкониятини яратган;

қишлоқ хўжалиги илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш бўйича Стратегия ва йўл харитасини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 05/011-249-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Стратегиясининг 7-йўналишини «Қишлоқ хўжалиги илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш» ва ахборот-маслаҳат хизмати тармоқларини босқичма-босқич ташкил этишга доир «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари, жами 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, жумладан, 3 та илмий монография, 1 та электрон дастур, 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола (11 таси маҳаллий ва 4 таси хорижий

журналларда), халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида бта маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 236 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологияларини ривожлан-тиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари, жаҳонда инновацион жараёнларни ривожлантириш тенденциялари ва инновацион жараёнларнинг аграр соҳага хос хусусиятлари, йўналишлари ва босқичлари ёритилган.

Қишлоқ хўжалигида инновацион жараён хўжалик юритишнинг бошқа соҳаларига нисбатан қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради: инновацияни жорий этиш ва ишлаб чиқишнинг узок давом этадиган селекция ишлари билан боғлиқлиги, инновацияларнинг кўп қисми ижобий таъсирга эга бўлиб (мутлақо янги нарсани ихтиро қилиш эмас, балки объектнинг ҳосилдорлигини, сифати ва унумдорлигини оширишга йўналтирилади), тирик организмлар (ўсимлик, ҳайвонлар, микро-организмларни) ва уларнинг биологик салоҳияти билан боғлиқ ҳолда юз беради, табиий зоналарга ва иқлим шароитларига боғлиқ бўлган ҳолда инновациялар турли хил натижани беради, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар турларининг кўплиги, мамлакатлардаги айрим минтақаларнинг ишлаб чиқариш шароитлари бўйича аҳамиятли даражада табақалашуви, ишлаб чиқариш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари бўйича катта тафовутларнинг мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан инновацион тузилмалар шакли ва алоқаларининг кўплиги, фан ютуқларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига узатишни аниқ ва илмий асосланган ташкилий-иқтисодий механизмнинг мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида тармоқнинг инновацияларни ишлаб чиқаришида ўзлаштириш бўйича орқада қолмоқда.

Жаҳонда турли мамлакатлар ва минтақаларнинг инновацион ривожланиш даражасини баҳолаш имконини берадиган кўплаб хилма-хил индикатор ва индекслар тизими ишлаб чиқилган. Масалан, жаҳон мамлакатларининг

инновацион ривожланиш даражасини рейтинг асосида баҳолаш учун Франциядаги INSEAD халқаро бизнес-мактаби ходимлари томонидан инновацияларга қилинган харажатлар ва улардан олинган натижа (самара) ўртасидаги нисбатни батафсил тавсифлайдиган 80 та ҳар хил ўзгарувчиларни ўз ичига олган Глобал инновациялар индекси (The Global Innovation index)ни ҳисоблаш услуги таклиф этилган. 2018 йилда ушбу тадқиқотлар қўлами жаҳоннинг 126 мамлакатини қамраб олган. Мазкур рейтингнинг биринчи ўнталигига қуйидаги мамлакатлар кирган: Швейцария (68,40), Нидерландия (63,32), Швеция (63,08), Буюк Британия (60,13), Сингапур (59,83), АҚШ (59,81), Финландия (59,63), Дания (58,39), Германия (58,03), Ирландия (57,19), Россия Федерацияси ушбу рейтингда 46-чи, Қозоғистон 74-чи, Тожикистон 101-чи ўринни эгаллаган.

Таҳлиллар, мамлакатимизда илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда миллий иқтисодиётимизнинг барча тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий қилиш борасидаги тадбирларни кенг қўламда амалга ошириш заруратини кўрсатади. Зеро, бу борада кўплаб кўрсаткичлар бўйича маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти. Шу туфайли, Ўзбекистоннинг жаҳондаги технологик жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ҳамжамиятига интеграциялашуви ва инновацион тараққиёт йўлини танлаганлиги боис инновацион технологияларни баҳолайдиган ёндашувларни қайта кўриб чиқишни тақозо қилади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг маълумотларига кўра, «фан ва технологияларнинг асосий кўрсаткичлари» деб номланувчи очиқ маълумотлар базасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ)га мутлақ суммалардаги ички харажатларнинг умумий ҳажми бўйича дунё лидерлари АҚШ, Хитой, Япония, Германия, Кореядир. Мазкур мамлакатларнинг ИТТКИга ЯИМга нисбатан фоизларда ифодаланадиган харажатларни 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Миллий инновацион тизимлар бир-биридан инновацион фаолиятни молиявий таъминлашнинг хилма-хил шакллари, усул ва манбалари билан фарқ қилади (2-жадвал). Кўриниб турибдики, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Германия, АҚШ каби мамлакатларда ИТТКИни молиялаштиришда бизнеснинг улуши давлат муассасалари томонидан молиялаштиришга нисбатан бир неча баробарга кўп бўлиб, молиявий таъминлашнинг умумий ҳажмидан 60-75 фоизни ташкил этади.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг улуши анча катта бўлиб 60 фоиздан ортиқни ташкил этади.

## 1-жадвал.

Дунёнинг турли мамлакатларида ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида  
ИТТКИга қилинган харажатлар (2010-2018 йиллар)<sup>11</sup>

№	Мамлакатлар	Йиллар								
		2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Корея	3,47	3,74	4,03	4,15	4,29	4,31	4,4	4,3	4,2
2	Исроил	3,93	4,01	4,13	4,09	4,11	4,14	4,19	4,2	4,3
3	Япония	3,25	3,38	3,34	3,47	3,58	3,63	3,71	3,4	3,3
4	Финляндия	3,73	3,64	3,42	3,3	3,17	3,19	3,25	3,2	2,9
5	Швеция	2,94	2,97	3	3,06	3,05	3,08	3,18	3,2	3,3
6	Дания	2,71	2,79	2,87	2,83	2,84	2,89	2,97	2,9	3,0
7	Германия	2,74	2,76	2,7	2,74	2,80	2,82	2,9	2,9	2,9
8	АҚШ	1,73	1,79	1,93	2,01	2,05	2,11	2,17	2,7	2,8
9	Хитой	2,94	2,97	3	3,06	3,05	3,1	3,16	2,0	2,1
10	Ўзбекистон	1,8	1,6	1,7	1,5	1,2	1,3	3,2	1,3	1,4

Шу боисдан, мазкур мамлакатларда инновацион фаолиятни молиялаштиришда давлат-хусусий шериклик элементлари аста-секин жорий этилмоқда, қонунчилик базаси эса бозор субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва фаоллаштириш бўйича билвосита чора-тадбирларни кенгайтириш ҳисобига такомиллашмоқда.

## 2-жадвал.

Дунёнинг турли мамлакатларида ИТТКИга давлат ва бизнес секторлари  
молиявий ресурсларининг тақсимланиши<sup>12</sup>

№	Мамлакатлар	ИТТКИга харажатлар (млрд.АҚШ долларида)	ИТТКИга харажатларни молиялаштиришда секторлар улуши, %			
			Бизнес	Давлат	Хорижий инвесторлар	Бошқалар
1	АҚШ	552,98	60,9	27,7	4,5	6,9
2	Хитой	474,81	74,6	21,1	0,9	3,4
3	Япония	186,64	75,5	17,3	0,5	6,7
4	Германия	116,56	66,1	29,2	4,3	0,4
5	Жанубий Корея	88,23	75,7	23,8	0,3	1,1
6	Франция	63,12	55,4	35	7,6	2,0
7	Буюк Британия	49,61	46,6	27	20,7	5,7
8	Россия	58,62	28,2	67,6	3,0	1,2
9	Ўзбекистон	0,32	12,6	78,1	-	9,3

<sup>11</sup> 2018 - The Global Competitiveness Report 2018. <http://uis.unesco.org/apps/visualisations/research-and-development-spending/#!lang=en> ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>12</sup> 2018 - The Global Competitiveness Report 2018. <http://uis.unesco.org/apps/visualisations/research-and-development-spending/#!lang=en> ва Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, маълумотлар мамлакатимизда инновацион фаолиятни фаоллаштириш учун бошқа чора-тадбирлар билан бир қаторда инвестицион кўйилмалар ҳажмини кескин ошириш лозимлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Аграр соҳада инновациялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар**» деб номланган иккинчи бобида инновацион технологияларни иқтисодий баҳолашнинг концептуал модели, соҳада инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизими, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларнинг самарадорлигини баҳолашнинг услуби ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалигида инновацион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг ҳозирги пайтда қўлланилаётган услублари олинадиган самара ва сарф қилинадиган маблағлар нисбатига асосланган. Инновацияларни баҳолаш инновацион жараённинг барча босқичларида – эскиз лойиҳалашдан тортиб, то киритилаётган янгиликларни ўзлаштириш ва амалга оширишгача бўлган босқичларда олиб борилишини талаб этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини босқичма-босқич баҳолашнинг индикаторлар тизимига асосланган услуби муаллиф томонидан ишлаб чиқилган (3-5 жадваллар).

Биринчи босқич – инновацион технологиялар самарадорлигини баҳолашнинг ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари; иккинчи босқич – қўшимча ҳосил ва қўшимча харажатларни ҳисобга олган ҳолда инновацион технологияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари; учинчи босқич – инновацион технологияларни самарадорлигини истиқболли баҳолаш; тўртинчи босқич – инновацион лойиҳаларга инвестицияларни йўналтиришнинг самарадорлигини баҳолаш ва бешинчи босқич – инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқариш натижаларидан олинган фойданинг самарали тақсимотидан иборат.

Муаллиф томонидан ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари сифатида ресурстежамкорлик коэффициенти, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичлари сифатида инновацияни ялпи ўсиш коэффициенти ва технологиянинг инновационлик даражаси кўрсаткичлари таклиф этилган.

Ресурстежамкорлик коэффициенти ўзлаштирилаётган технологиялар бўйича жами харажатларнинг анъанавий технологиялар бўйича жами харажатларга нисбати билан тавсифланади.

Агар ресурстежамкорлик коэффициенти  $K_p > 1$  бўлса, инновацион технологияларни жорий этишда ресурсларнинг ортиқча сарфланганлигини кўрсатади.

Агар ресурстежамкорлик коэффициенти  $K_p < 1$  бўлса, инновацион технологияларни жорий этишда ресурслар тежалганлигини кўрсатади.

Инновациянинг ялпи ўсиш коэффициенти технологияларни ялпи фойда ўсишини ўзлаштирилаётган технологияларни ялпи фойдасига нисбати, технологиянинг инновационлик даражаси эса ялпи фойда ўсишини харажатлар ўзгаришига нисбати билан тавсифланади.

**1-Босқич. Инновацион технологиялар самарадорлигини баҳолашнинг  
ресурс салоҳиятидан фойдаланиш кўрсаткичлари  
(аналог билан таққосланганда)<sup>13</sup>**

Технологияни баҳолаш кўрсаткичлари			Ҳисоблаш формуласи
базис	ўзлаштирилган	инновацион	
Ҳосилдорлик, ц/га			$X = \frac{ЯХ}{ЭМ}$ <p>ЯХ – ялпи ҳосил, ц; ЭМ – экин майдони, га.</p>
Ялпи ҳосил, ц			$ЯХ = X * ЭМ$
	ялпи ҳосил ўсимми, ц		$ЯХ_u = (X_u - X_y) * ЭМ$ <p><math>X_u</math> – инновацион технология бўйича ҳосилдорлик, ц/га; <math>X_y</math> – ўзлаштирилган технология бўйича ҳосилдорлик, ц/га.</p>
Тўғри меҳнат сарфи, киши-соат			$ТМС = НСс * Хс * Св$ <p>НСс – норма-сменалар сони; Хс – ходимлар сони; Св – смена вақти; кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг технологик харитасида ҳисобланади.</p>
Ишлаб чиқариш харажатлари, минг сўм			$ИЧХ = Мх + МХх + Ух$ <p>Мх – моддий харажатлар (уруғ, ўғит, кимёвий химоя воситалари; ёқилғи-мойлаш материаллари, электроэнергия, амортизация, таъмирлаш учун харажатлар), минг сўм; МХх – меҳнат ҳақи харажатлар, минг сўм; Ух – устама харажатлари, минг сўм.</p>
Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажат, минг сўм/ц; 1 гектар экин майдонида тўғри келадиган харажат, минг сўм/га			$ИЧХ_{мб} = \frac{ИЧХ}{ЯХ};$ $ИЧХ_{эмб} = \frac{ИЧХ}{ЭМ}$
Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган меҳнат ҳақи харажати, минг сўм/ц; 1 гектар экин майдонида тўғри келадиган меҳнат ҳақи харажати, минг сўм/га			$МХх_{мб} = \frac{МХх}{ЯХ}; \quad МХх_{эмб} = \frac{МХх}{ЭМ}$

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<b>3-жадвал давоми</b>	
Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган моддий харажатлар, минг сўм/ц; 1 гектар экин майдонига тўғри келадиган моддий харажатлар, минг сўм/га	$Mx_{мб} = \frac{Mx}{ЯХ}; \quad Mx_{эмб} = \frac{Mx}{ЭМ}$
Ресурстежамкорлик коэффициенти (Кр)	$K_p = \frac{ИЧХ_{ўз}}{ИЧХ_a}$ Кр – ресурстежамкорлик коэффициенти; ИЧХ <sub>ўз</sub> – ўзлаштирилаётган технологияни ишлаб чиқариш харажатлари; ИЧХ <sub>а</sub> – анъанавий технологияни ишлаб чиқариш харажатлари.

#### 4-жадвал.

#### Молиявий натижалар кўрсаткичлари<sup>14</sup>

<b>Технологияни баҳолаш кўрсаткичлари</b>			<b>Ҳисоблаш формуласи</b>
<b>базис</b>	<b>ўзлаштирилган</b>	<b>инновацион</b>	
Умумий харажатлар, минг сўм			$УМХ = ИЧХ + СХ$ ИЧХ – ўсимликчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатлари; СХ – сотиш харажатлари, минг сўм
Маҳсулот бирлиги таннари, минг сўм/ц			$T = \frac{ИЧХ}{ЯХ}$ ЯХ – ялпи ҳосил
Маҳсулот сотишдан тушум, минг сўм			$МСТ = Н * СМх$ Н – маҳсулот бирлиги нархи (сотув каналларига боғлиқ ҳолда), минг сўм/ц; СМх-сотилган маҳсулот ҳажми, ц.
Фойда, минг сўм			$\Phi = Д - УМХ$ Д – даромад
Сотиш бўйича рентабеллик даражаси, %			$R\partial_c = \frac{\Phi}{УМХ} * 100\%$

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш унинг сотиш нархини ва шунга мувофиқ равишда сотув ҳажмини белгилаш орқали бажарилади. Бундан ташқари, иқтисодий самарадорликни баҳолашда ишларни бажаришнинг сифати ва йўқотишларнинг қисқаришини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Бундан келиб чиқиб, барча харажатлар (жорий ва бир вақтнинг ўзидаги) ҳамда натижалар ҳисобот йилига кетирилади, бунда дисконтлаш коэффициентларидан ҳам, ўстириш коэффициентларидан ҳам фойдаланилади.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари<sup>15</sup>

Технологияни баҳолаш кўрсаткичлари			Ҳисоблаш формуласи
базис	ўзлаштирилган	инновацион	
Меҳнат унумдорлиги, ц/киши-соат			$МУ = \frac{ЯХ}{ТМХ}$
Ялпи даромад, минг сўм			$ЯД = МСТ - УМХ$
Ш.ж.: 1 гектар экин майдонидан, минг сўм/га, маҳсулот бирлигидан, минг сўм/ц меҳнат сарфи бирлигига, минг сўм/киши-соат			$ЯД_{эмб} = \frac{ЯД}{ЭМ};$ $ЯД_{мб} = \frac{ЯД}{ЯХ};$ $ЯД_{мсб} = \frac{ЯД}{ТМС}$
Харажатларнинг қопланиши, минг сўм			$ХК = \frac{\Phi}{УМХ}$
-	-	Йиллик иқтисодий самара, минг сўм	$ЙИС = ((Н_u - Т_u) - (Н_y - Т_y)) * МХ_u$ $Н_u$ – маҳсулот нархи, $Т_u$ – маҳсулот таннархи; $МХ_u$ – инновацион технология бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, ц.
		Ш.ж.: – кўшимча ҳосил ҳисобига, таннархнинг пасайиши ҳисобига, нархнинг ошиши ҳисобига	$ЙИС_x = (Н_y - Т_y) * (ЯХ_u - ЯХ_y),$ $ЙИС_m = (Т_y - Т_u) * ЯХ_u,$ $ЙИС_n = (Н_u - Н_y) * ЯХ_u$
		Инновацияни ялпи ўсиш коэффициенти	$И_k = \frac{\Delta ЯФ}{ЯФ_{ўз}}$
		Технологияни инновационлик даражаси	$И_d = \frac{\Delta ЯФ}{\Delta Х} * 100$

Инновацион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда жорий сарф-харажатлар ва натижаларни келтириш уларни бир вақтнинг ўзидаги харажатларни амалга оширишнинг бошланғич йилига дисконтлаш йўли билан амалга оширилади. Яъни, ҳисоб йили бошлангунигача амалга ошириладиган ва олинadиган харажатлар ҳамда натижалар ўстириш коэффициентиغا, ҳисоб йилидан кейин дисконтлаш коэффициентиغا кўпайтирилади.

Турли хил вақт харажатларини ҳисоб йилига келтириш янгиликни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш мақсадида самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаштиришда амалга оширилади.

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўрғоқчиликка, зараркунанда ва касалликларга чидамли, истиқболли гилос пайвандтаглари *in vitro* шароитида кўпайтириш технологиясини жорий этиш бўйича Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган қишлоқ хўжалиги бўйича инновацион технологияларни самарали эканлигини асослаш учун юқорида келтирилган услуб ёрдамида ҳисоб-китоблар амалга оширилган (6-жадвал).

6-жадвал.

**Бир гектар ер майдонида гилос пайвандтагини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари<sup>16</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий	In vitro	Тавофутлар (+,-)
1	Пайвандтаг чиқими	дона	70000	70000	
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг.сўм	25778,7	53675,4	27896,7
3	Маҳсулот таннархи	сўм	368,3	766,8	398,5
4	Реализация нархи	минг сўм	0,8	2,0	
5	Даромад	минг сўм	56000	140000	84000
6	Фойда	минг сўм	30221,3	86324,6	56103,3
7	Рентабеллик	%	117,2	160,8	43,6
8	Иқтисодий самара	минг сўм		56103,3	
9	Ресурстежамкорлик	коэффициент		2,08	
10	Инновациянинг ялпи ўсиши	коэффициент		0,65	
11	Кўкарувчанлиги	коэффициент	0,6	0,95	

Инновацион технологияларни объектив баҳолаш технологиялар нархини шаклланиши, технология доирасида моддий ва номоддий активлар таркибини холисона баҳолаш имконини яратади ҳамда технологияларга бўлган талабнинг ошишига таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг «**Аграр соҳанинг инновацион салоҳиятидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган учинчи бобида институционал ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида мамлакат аграр соҳасини инновацион ривожлантириш ҳолати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг эконометрик таҳлили ва қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш, аграр соҳада инновацияларни жорий этиш ва ахборот-маслаҳат хизматларидан фойдаланиш даражасининг таҳлили асосида бу борадаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратишда мавжуд молиявий ва моддий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2018 йил

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ҳисоб китоб қилинган.

маълумотларига кўра, республикада мавжуд 668 дан ортиқ илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини бажараётган ташкилотлар 680 038,0 млн сўмлик хизматлар кўрсатган (1-расм). 2010 йилга нисбатан ИТТКИ бажарган ташкилотлар сони 266 кўпайган, улар томонидан бажарилган ишларнинг умумий ҳажми эса 5,6 баробар ошган.



**1-расм. 2010-2018 йилларда ИТТКИ бажарган ташкилотлар сони ва бажарилган ишлар ҳажми (млн.сўм)<sup>17</sup>**

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал.**

**Ўзбекистон Республикасида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми ва харажатлари динамикаси<sup>18</sup>**

млн. сўм

Йиллар	Ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми – жами	Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга харажатлар – жами	Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
2010	1849026,5	3874,8	264445,8	34,5
2011	1348657,8	3920,5	372646,3	119,7
2012	3635933,2	1443,3	311879,9	942,7
2013	4614656,2	6488,1	4634230,1	3988,2
2014	7042964,5	33912,1	3757372,2	1841,9
2015	8023628,5	16105,8	5528278,7	1775,3
2016	10688245,6	35520,3	2571405,6	8144,3
2017	18543331,0	47941,3	4162263,7	15684,6
2018	28871465,3	118539,4	4707211,8	71,3

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматларнинг умумий ҳажми 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 15,6 баробар ошиб, 28871465,3 млн.сўмни ташкил этган.

Шу жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида инновацион маҳсулотлар, ишлар, хизматлар ҳажми 2010 йилда 3874,8 млн.сўмдан 2018 йилда 118539,4 млн.сўмга кўпайган. Аммо, технологик, маркетинг ва ташкилий инновацияларга жами харажатлар таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 0,5 фоизни ҳам ташкил этмаётганлиги, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан кескин камайиб кетиши, бу соҳада жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

Фан соҳалари бўйича илмий-тадқиқот тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)га умумий харажатлар таҳлили ҳам қишлоқ хўжалиги фанлари улушининг жами харажатлар таркибида нисбатан пастлигини кўрсатмоқда (2-расм).

Маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 2010-2018 йилларда (ИТТКИ)га умумий харажатлар 197,9 млрд сўмдан 528,8 млрд.сўмга, яъни 267,2 фоизга ошган бир пайтда, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича харажатлар 36,6 млрд.сўмдан 49,9 млрд.сўмга, яъни 36,3 фоизга ошган.

Шу билан бирга, жами харажатлар таркибида 41,5 фоизи табиий фанларга, 29 фоизи техника фанларига ва фақатгина 9,4 фоизи қишлоқ хўжалиги фанларига тўғри келади.



**2-расм. 2012-2018 йилларда фан соҳалари бўйича ИТТКИларга харажатлар, млрд.сўм<sup>19</sup>**

Республикада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги бўйича инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш нисбатан паст кўрсаткичларга эга эканлиги, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бўлиб, тармоқнинг таҳлика даражасини ошишига олиб келиши билан боғлиқдир.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги инновация бозорини шакллантиришдаги заиф бўғин бўлиб, диссертацияда инновацияларга бўлган талаб етарлича ўрганилмаётганлиги асосланди. Хусусан ҳозирги кунга қадар, маркетинг илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар шакллантиришнинг ажралмас қисмига айлангани йўқ.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғи фаолиятининг 2000-2018 йиллардаги маълумотлари асосида, Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан (ИЧФ) фойдаланиб, қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси тузилди:

$$\hat{y} = 0,00041 \cdot K^{0,244255} \cdot L^{0,902269} \cdot N^{1,332751} \quad (1)$$
$$R^2 = 0,9801; F_{\text{хисоб}} = 246,816.$$

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган (1) ИЧФдаги 0,00041 коэффицент ҳисобга олинмаган омиллар таъсирини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати бўйича ҳисобланган 0,244255 коэффиценти эластиклик коэффиценти бўлиб, у қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қийматининг бир фоизга ортишини, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 0,244255 фоизга, қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонининг бир фоизга ортишини қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 0,902269 фоизга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонининг бир фоизга ортиши эса, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини ўртача 1,332751 фоизга ортишини кўрсатади.

Агар (1) моделдаги ҳар бир омилнинг эластиклик коэффицентларига эътибор берадиган бўлсак, республикада қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти яратилишида қишлоқ хўжалиги асосий фондлари 9,85 фоизни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар 36,39 фоизни ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдони 53,76 фоизни ташкил этмоқда.

Бу шуни кўрсатадики, республикада қишлоқ хўжалиги ривожланишининг 90,15 фоизи асосан экстенсив омиллар (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар сонини ортиши ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кенгайтириш) ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиш йўлига фаол ўтишини тақозо қилади.

(1) модель бўйича ҳисобланган детерминация коэффиценти 0,9801 га тенг. Бу эса республикада қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 98,01 фоизи (1) моделга киритилган омиллардан (қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлганлар сони ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонлари) боғлиқ эканлигини кўрсатади. Қолган 1,99 фоизи эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

(1) модель бўйича ҳисобланган Фишер F-мезони қиймати жадвал қийматидан катта эканлиги аниқланди ( $F_{\text{хисоб}} = 246,816 > F_{\text{жадвал}} = 3,29$ ). Бу эса тузилган ишлаб чиқариш функциясининг статистик аҳамиятли (ўрганилаётган

жараёнга мос) эканлигини кўрсатади ҳамда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳолатини бевосита аниқлаб беради. (1) ишлаб чиқариш функциясидаги барча омиллар ишончилиги Стьюдентнинг  $t$ -мезони ёрдамида текширилганда, улар қўйилган талабга жавоб берар экан (мазкур омилларнинг  $\alpha = 0,05$  аниқликдаги эҳтимоллиги 0,05 дан кичик), яъни


$$t_{\ln K} = 15,6406 \text{ prob} = 0,0000; t_{\ln L} = 3,3640 \text{ prob} = 0,0043; \\ t_{\ln N} = 2,1808 \text{ prob} = 0,0455.$$

(1) модель бўйича натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжудлиги текширилди. Дарбин-Уотсон мезонининг ҳисобланган қиймати 1,762 га тенг. Дарбин-Уотсон мезонининг жадвалдаги қуйи қиймати ( $DW_L = 0,97$ ) ва юқори қиймати ( $DW_U = 1,68$ ) тенг экан. Бу эса натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Демак, олиб борилган тадқиқотлар ва қишлоқ хўжалиги бўйича тузилган (1) Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функцияси параметрлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикада қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация қилиш, инновацион технологиялар асосида ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини самарали юритишнинг янги моделини ва инновацион ривожланишининг янги концепциясини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учун кўп омилли эконометрик модель тузилди. Бунда натижавий омил сифатида – қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ( $Y$ ), таъсир этувчи омиллар сифатида эса – қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати ( $X_1$ ), қишлоқ хўжалигига киритилган инвестициялар ( $X_2$ ), инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган корхоналар сони ( $X_3$ ), жорий қилинган инновациялар сони ( $X_4$ ), қишлоқ хўжалиги бўйича тадқиқотчилар сони ( $X_5$ ), қишлоқ хўжалигида кашфиётлар ва ихтиролар бўйича патентлар сони ( $X_6$ ), илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) бажарган ташкилотлар сони ( $X_7$ ), ИТТКИ бажарилган ишлар ҳажми ( $X_8$ ), қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича ИТТКИга харажатлар ( $X_9$ ), ўз кучи билан бажарган ИТТКИга харажатлар ( $X_{10}$ ), ўз кучи билан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми ( $X_{11}$ ), қишлоқ хўжалигида ташкилий, маркетинг ва технологик инновацияларга харажатлар ( $X_{12}$ ) олинди.

Кўп омилли эконометрик модель тузишдан аввал маълумотларнинг нормал тақсимот қонунига бўйсунуши текшириб кўрилди. Бунинг учун моделга киритиладиган барча омилларнинг тавсифий статистикаси ҳисобланди. Тавсифий статистика маълумотларидан шу нарса кўринадики, бир қатор омилларнинг Жак-Бера статистикаси бўйича қийматлари эҳтимоллиги 0,05 дан катта. Ушбу ҳолатни изоҳлаш учун эса барча омиллар бўйича нормал тақсимот функцияларининг графиклари тузилади (3-расм).



**3-расм. Омилларнинг нормал тақсимотини текшириш графикалари<sup>20</sup>**

Нормал тақсимот функцияси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$f(x|\mu, \sigma) = \frac{1}{\sqrt{2\pi}\sigma} e^{\left(-\frac{1}{2\sigma^2}(x-\mu)^2\right)} \quad (2)$$

3-расмдан кўриш мумкинки, барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан. Бу эса омиллар ўртасида боғланишларни тадқиқ қилишга имкон беради.

Омиллар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказилганда бир қатор омиллар ўртасида мультиколлениарлик аниқланди ва ушбу омиллар кўп омилли эконометрик моделга киритилмади.

Натижада Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги тармоғининг 2000-2018 йиллардаги маълумотлари бўйича кўп омилли чизиқли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\hat{y} = 5839,11 + 0,753x_1 - 2,031x_2 + 35,363x_6 + 44,343x_7 + 0,072x_8 - 2,498x_{10} - 2,762x_{11} \quad (3)$$

$$R^2 = 0,9976, F_{\text{хисоб}} = 660,13, DW_{\text{хисоб}} = 2,159.$$


Тузилган (3) кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли экан. Чунки, ( $\alpha = 0,05$ ,  $k_1 = 11$  ва  $k_2 = 7$  бўлганда)  $F_{\text{жадвал}} = 3,01$  га тенг.  $F_{\text{хисоб}} = 660,13 > F_{\text{жадвал}} = 3,01$  бўлганлиги учун (3) кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ва ўрганилаётган жараёнга мос эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари таъсир этувчи омилларнинг ишончилиги Стьюдентнинг  $t$ -мезони орқали текширилди ва улар ишончли эканлиги тасдиқланди.

<sup>20</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Натижавий омил колдиқларида автокорреляция мавжуд эмаслиги аниқланди ( $DW_{\text{жадвал}} = 2,159$ ).

Кўп омилли эконометрик модель (3) асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 2019-2025 йиллар учун прогнози амалга оширилди (4-расм).



**4-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 2000-2018 йиллардаги динамикаси ва 2019-2025 йилларга прогноз қийматлари, (млрд. сўм)<sup>21</sup>.**

Прогноз даврида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиши 2,3 трлн. сўмни ташкил этади. Ушбу ўсиш 2000 йилга нисбатан 3,3, 2010 йилга нисбатан эса 2,25 баробарни ташкил этади. 4-расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати 2000 йилдан 2015 йилга қадар муттасил ўсиб келган.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, республикаимиз қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш – бу асосан қишлоқ хўжалигида илм кўп талаб қилинадиган йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини талаб қилади.

Қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланиш даражасини баҳолаш мақсадида эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиб, инновацион жараён иштирокчиларининг турли тоифалари (фермер хўжаликлари раҳбарлари; Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигини ҳудудий бошқарма раҳбарлари; илмий тадқиқот институтлари раҳбарлари)ни ижтимоий сўрови амалга оширилди. Республикаимиз фермер хўжаликлари фаолиятида инновациялардан фойдаланиш тадқиқ этилганда, мазкур хўжаликлар инновацион фаоллигининг ўрта даражаси билан тавсифланиши аниқланди. Сўровда қатнашган раҳбарларнинг 61 фоизи олинган билим ва кўникмаларни ўз фаолиятида

<sup>21</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

қўллаши натижасида ҳосилдорликнинг кўпайиши ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи пасайиши туфайли фойданинг ошганлигини тасдиқлаган. Булар хўжалик юритишда амалий тажрибага эга бўлган, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқараётган малакали ва ташаббускор фермерлардир.

Сўровда иштирок этган фермер хўжаликлари раҳбарларининг 33,4 фоизи учун ўз фаолиятида инновацион ишланмалардан фойдаланишнинг ўрта даражасига хосдир. Улар ўз рейтингини ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини оширишга интилган ҳолда ҳозирча илгариги технологиялар ва хўжалик юритиш усулларида фойдаланмоқдалар. Фермер хўжаликлари раҳбарларининг 5,6 фоизи инновациялардан фойдаланишнинг паст даражаси билан тавсифланади, бу уларнинг инновацияларга нисбатан бефарқлигини кўрсатади. Умуман олганда, инновацион технологияларни қўллашда 10000 минг. сўмдан ортиқ бўлган хусусий капиталга ҳамда илғор технологиялардан фойдаланиш учун қарз маблағларини жалб қилиш имкониятига эга бўлган фермер хўжаликларининг раҳбарлари қатнашдилар. Айнан шу хўжаликларда 1 га тўғри келадиган даромад даражаси юқори бўлиб, улар ўз иқтисодий манфаатларини оптимал даражада рўёбга чиқаришга эришганлар.

Демак, фермер хўжаликларининг инновацион ва инвестицион ривожланиш йўли капиталнинг жамғарилишига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида аграр соҳада инновацион хизматлар кўрсатувчи инфратузилма субъектларининг оптимал шакллари танлаш модели ишлаб чиқилиб, соҳада инновацион инфратузилмани ривожланиши ва амал қилишининг ташкилий-иқтисодий ва инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-амалий жиҳатлари асосланган.

Ижтимоий сўров натижалари асосида муаллиф томонидан ахборот-маслаҳат хизматларининг (АМХ) оптимал шакллари танлаш модели ишлаб чиқилган. АМХнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари танлаш муаммоси аҳамиятли даражадаги ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш вазифасига таалуқлидир. АМХ ривожининг концептуал асосларига риоя қилган ҳолда унинг фаолият кўрсатишини икки асосий мақсадни таърифлаш мумкин, булар – сифатли ахборот-маслаҳат хизматларини таъминлаш ва туман АМХлари фаолиятини ташкил этишдан иборатдир.

Ахборот-маслаҳат хизматларини бозор нуқтаи назаридан кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ва тўлиқлигини билвосита баҳолаш жиҳатидан кўриб чиқилган. Худудий АМХ фаолиятининг мақсадли функциясини АМХ – F кўринишидаги бирор-бир ишлаб чиқариш функцияси сифатида тасвирлаш мумкин, у марказнинг A шаклига, уларнинг фаолиятини тавсифловчи параметрлар тўплами P га ва ташқи муҳит омиллари тўплами бўлмиш X га боғлиқ, яъни F (A,P,X). Мезон – мақсадли функцияни максималлаштиришдан иборат, яъни – тах F.

АМХнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлаш муаммосини ҳал қилишнинг учта услубий масаласини таърифлаш мумкин. Тақдим этилаётган услубият Тошкент вилояти мисолида синовдан ўтказилди.

1-масала. Ташқи муҳит (X)нинг дастлабки (статик) ҳолатида АМХнинг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлаш, бунда танланган шаклнинг параметрлари (хоссалари) ташқи муҳитнинг мавжуд ҳолатини энг юқори даражада қаноатлантирсинки, бу АМХнинг ишлаб чиқариш функциясини рўёбга чиқаришда мазкур шаклнинг мавжуд бўлган барча салоҳиятли ресурсларидан энг оқилона фойдаланиш имконини берсин, яъни мақсадли функциянинг мезонини таъминлай олсин.

$P > x$  бўлганда ташкилий-ҳуқуқий шакл optimum га интилади.

2-масала. Ташқи муҳитнинг жорий (динамик) ҳолатида фаолият кўрсатаётган АМХнинг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шаклини аниқлаш, бунда унинг фаолияти АМХ ишлаб чиқариш функциясини бажаришида юз бериши мумкин бўлган таҳликаларни минималлаштириш нуқтаи назаридан ташқи муҳит омиллари X нинг ўзгаришига энг кам даражада боғлиқ бўлсин. Ушбу ҳолатда хусусий мақсадли функция ишлаб чиқариш функциясига X омиллар таъсирининг қандайдир мажмуавий функцияси сифатида тасвирланиши мумкин, мезон эса – мазкур таъсирлар функциясини минималлаштириш (ёки барқарорлик функциясининг тах ҳолати) бўлади.

3-масала. Худудий АМХнинг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шаклини АМХнинг яратилиши ва фаолият кўрсатишини мажмуавий баҳолаш шароитида аниқлаш, яъни биринчи икки вазифа ечимларини тавсия қилинадиган пировард ечимда уйғунлаштириш.

Объектлар (ташкилий-ҳуқуқий шакллар)нинг тўплами A ни кўриб чиқамиз:

$A_1$  – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қошидаги консалтинг марказлари.

$A_2$  – олий ўқув юртлари таркибидаги фермерларни ўқитиш марказлари.

$A_3$  – савдо-саноат палатаси қошидаги ахборот-маслаҳат марказлари.

$A_4$  – илмий-тадқиқот институтларининг агротехнологияларни жорий этиш бўлимлари.

$A_5$  – халқаро ташкилотлар лойиҳаларининг extension компонентлари.

$A_6$  – ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатувчи хусусий фирмалар.

Ҳар бир шакл учун умумий ҳолда  $m$  та параметрдан ташкил топган [P] параметрлар қийматлари матрицаси тузилади.

$n$  та омил билан тавсифланувчи ташқи муҳитда юзага келган вазиятни  $[x_i] = [x_1 \ x_2 \ x_3 \ \dots \ x_n]$  векторли қатор билан тасвирланади.

Объектлар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ташқи муҳит омилларига миқдори ва моҳияти бўйича тўлиқ мос келадиган, яъни  $m=n$  ва  $p_i = x_i$  бўлган параметрлар ажратилади.

Хусусан (хусусий ҳолда)  $m=n=7$  деб олинади, бунда  $P_1=X_1$  – АМХ кадрларининг мавжудлиги ва кадрларни тайёрлаш даражаси.

$P_2=X_2$  – бюджетдан молиялаштириш даражаси.

$R_3 = X_3$  – АСМ раҳбариятининг АМХларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий сиёсати.

$R_4 = X_4$  – АМХ рақобат муҳитининг мавжудлиги.

$R_5 = X_5$  – АМХ хизматлари истеъмолчиларининг молиявий ҳолати.

$R_6 = X_6$  – истеъмолчиларнинг АМХга мурожаат қилишга тайёрлиги.

$R_7 = X_7$  – АМХнинг хилма-хил хизматларни кўрсатишга тайёрлиги.

Ҳудудий АМХни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини мажмуавий баҳолашда оптимал шаклни танлашда дастлабки икки масалани ҳал қилишни ҳисобга олган ҳолда ўтказиш ҳамда олинган мезонли баҳолар (ранглар)дан уларни ягона йиғинди баҳога қўшиб чиқиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Юқорида кўриб чиқилган мисол учун мезонли баҳоларни бирлаштириш, яъни рангларни қўшиб чиқиш куйидаги натижани кўрсатди:


	$R_i$ (1)		$R_i$ (2)		$R_i$ (3)	ўрин
	↓		↓		↓	↓
R1	= 3	+	6	=	9	5
R2	= 2	+	2	=	4	2
R3	= 4	+	4	=	8	4
R4	= 1	+	3	=	4	1
R5	= 6	+	1	=	7	3
R6	= 5	+	5	=	10	6

(5)

Демак, умумий мажмуавий мезон шуни кўрсатадаки, ҳудудда АМХларни ОЎЮ, ИТИ таркибида ташкил этиш ёки Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қошидаги консалтинг марказлари, энг афзал ҳисобланади.

Шундай қилиб, АМХларнинг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шаклини танлашда хизматни ташкил этишнинг ҳар хил шакллари баҳолашнинг ва ҳудудий муҳит омилларини баҳолашнинг экспертлик усулларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган илмий-услубий ёндашувлар янги АМХларни яратишда ҳамда ҳозирда фаолият юритаётган АМХларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маҳаллий, илмий-амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда ишланмаларни жадал жорий этишни таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини кучайтиришда, илм-фан ҳиссасини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техникавий фаолиятнинг истиқболли маҳаллий ютуқларини илгари суришнинг самарали механизмларини яратиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун, муаллиф томонидан номлари қайд этилган институтлар асосида аграр соҳада инновацион жараёнларни самарадорлигини ошириш механизми таклиф этилган (5-расм).

Ҳозирги кунда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш вазифасини амалга ошириб келмоқда.



**5-Расм. Аграр соҳада инновацион жараёнларни мувофиқлаштириш тизими\*.**

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ушбу тизимга инновацияларни ишлаб чиқиш учун технопаркларни ташкил этиш ва инновацияларни тарғиб қилиш ҳамда жорий этиш учун билимларни тарқатиш тизимини киритиш таклиф этилади. Қишлоқ хўжалиги тизими корхоналарига инновацияларни жорий этиш ўз мазмун ва моҳияти билан бир бутун жараён сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш қўйидаги муаммоларга боғлиқдир:

– илм-фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш борасида замонавий қишлоқ хўжалиги билимларини тарғиб қилишнинг ягона тизимини шаклланмаганлиги;

– қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион технологиялар ва илғор маҳаллий ҳамда хорижий тажрибалар тўғрисида маълумотлар базасининг яратилмаганлиги;

– инновацион технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларини қишлоқ хўжалиги қўйи даражасига етиб боришнинг нисбатан сустлиги;


– инновацион технологияларни тижоратлаштириш ва уларни ташқи бозорга олиб чиқиш, миллий инновацион тизимни шакллантириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш жараёнларига кўмаклашишнинг амалдаги механизмлар самарасининг пастлиги;

– соҳа учун тор доирадаги ихтисосликка тегишли малакали мутахассисларни тайёрлашнинг мавжуд эмаслиги. Фаолият юритаётган мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш самарали тизимининг мавжуд эмаслиги.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар ва қишлоқ хўжалигида хорижий тажрибалар таҳлили, замонавий фан ютуқлари, инновацион ғоялар, технологиялар, ишланмаларнинг қишлоқ хўжалигини энг қўйи бўғинларигача тизимли тарғиб қилиш ва жорий этишда кўприк вазифасини бажарувчи қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат хизматига ҳамда малакали мутахассисларга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун мамлакатимизда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини таъминлаш борасида, замонавий билимларни тарғиб қилишнинг уч даражали тизимдан иборат бўлган ягона тизимни шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги билимларини тарғиб қилиш ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини ташкилий намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган (6-расм).

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари республика, вилоят ва туман миқёсида ахборот-маслаҳат марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, режалаштириш ва назорат қилишни таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш марказига идоравий мансублигидан қатъий-назар, республика илмий муассасалари ва олий ўқув юртлари томонидан агросаноат комплекси соҳасида ўтказиладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари туман ахборот-маслаҳат марказларига кадрларни тайёрлаш ва услубий таъминотини таъминлайди.



**6-брасм. Қишлоқ хўжалиги билимларини тарғиб қилиш ва жорий этиш тизимининг ташкилий намунавий тузилмаси\***

\*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қишлоқ ахборот-маслаҳат марказларига кадрларни тайёрлаш инновацион технологиялар ҳамда илм-фан ютуқларини тарғиб қилиш ва жорий этишга қаратилгани илмий-услубий таъминотни ҳамда маслаҳат хизматларини амалга оширади.

Қишлоқ хўжалигидаги билим ва маълумотларни тарқатишнинг яхлит тизимини яратишга асос бўлиб хизмат қиладиган самарали мувофиқлаштириш тизими мамлакатда самарали ва замонавий илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ривожланишига олиб келади.

Самарадорликни ошириш, инновацияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, таълим, илғор малака ошириш ва маслаҳат соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини бирлаштиришга йўналтирилган замонавий, интеграциялашган ва мослашувчан тизимни яратиш ва янада ривожлантириш, шунингдек, маҳаллий озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш стратегик устувор йўналишнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Минтақаларнинг табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олувчи ёндашув тизимни яратишда асос бўлади.

Тизимни ривожлантириш билимларни кейинчалик мунтазам равишда тарқатиш, малака ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишлаш корхоналарига тегишли маълумотлар ва маслаҳатлар бериш учун тўпланган билим ва тажрибани кенгайтириш ва тўлдиришни таъминлайди.

Давлат бюджети ва хусусий сектор маблағлари билимлар тарқатишнинг молиялаштириш манбалари бўлиб хизмат қилади. Тизим давлат ва хусусий сектор молиявий ресурсларини бирлаштиради.

Агросаноат мажмуи ва агробизнес соҳасида консалтинг ва билимларни тарқатиш мақсадлари давлат-хусусий шериклик салоҳиятини ошириш ва мамлакатнинг барча ҳудудларида жойлашган кичик бизнес ва йирик корхоналарнинг кенг кўламли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматларни тақдим этиш тизимини ривожлантириш орқали билимларни тарқатиш учун ҳудудий ахборот-маслаҳат тармоғини яратишдан иборат.

Тизимнинг иши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тақдим этилаётган маслаҳат ва ахборот хизматларининг сифати, изчиллиги ва ишончилигини таъминлаш учун марказлаштирилган хизматлар билан тўлдирилади. Давлат инновациялар билан шуғулланувчиларга дунё миқёсида яратилган янгиликларни тарқатиш, ахборот-маслаҳат бериш марказларини ташкил қилиш ва улар фаолиятининг қонунчилик доирасида мувофиқлаштириб бориши мумкин.

## ХУЛОСА

1. Амалга оширилган тадқиқотлар ва жаҳон тажрибасининг таҳлилларини кўрсатишича Ўзбекистон The Global Innovation Index (Глобал инновацион индекс рейтингда) 2015 йилда 122 ўринни эгаллаган.

Жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологиялар асосида мамлакатни 2017-2021 йилларга мўлжалланган

Стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та етакчи мамлакати қаторига кириши кўзда тутилган.

2. Таҳлилларнинг далолат беришича, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ни молиялаштиришда бизнес субъектлари, давлат хорижий инвесторлар ва бошқалар иштирок этишади. Жанубий Корея, Япония ва Хитой Халқ Республикасида бизнеснинг улуши 75,0 фоиз атрофида, Германияда 66,1 фоиз, АКШда 60,9 фоиз, Францияда 55,4 фоиз, Буюк Британияда 46,6 фоизга тенг. Россияда давлатнинг улуши 67,6 фоиз, Ўзбекистон Республикасида эса 78,1 фоизни ташкил этади.

Демак, мамлакатимиз учун ИТТКИни ривожлантиришнинг энг самарали йўли бу – инновацияларда давлатнинг улушини камайтириш, бизнеснинг улушини эса 4-5 баробарга талаб этилади.

3. Инновацион ресурстежамкор технологияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган оқилона қарорларни қабул қилиш технологиялар самарадорлигини баҳолаш натижаларига асосланган бўлиши лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда муаллиф томонидан баҳолашнинг индикаторлар тизимига асосланган услубият ишлаб чиқилган бўлиб, инновацион технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ўсимликчилик ва чорвачилик тармоғи учун алоҳида тарзда ишлаб чиқилган.

4. Кўп омилли эконометрик моделнинг ҳисобланган параметрлари асосида кўп омилли чизикли эконометрик модель тузилди. Ушбу модель параметрларининг иқтисодий моҳиятига кўра, агар қишлоқ хўжалиги асосий фондлари қиймати ( $X_1$ ) бир млрд.сўмга ошса, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми ( $Y$ ) ўртача 0,753 млрд.сўмга ортиши мумкин экан.

Тузилган кўп омилли эконометрик модель параметрларининг ишончилиги Стъюдентнинг t-мезони асосида текширилди. t-мезоннинг жадвал қиймати 2,1009 га тенг, унинг параметрларини эҳтимоллиги 0,05дан кичик. Тузилган модель статистик аҳамиятли чунки, ( $\alpha=0=0,05$ ,  $k_1=11$  ва  $k=7$  бўлганда)  $F_{\text{жадвал}} = 3,01$   $F_{\text{ҳисоб}} = 660,13 > F_{\text{жадвал}} = 3,01$ . Шунинг учун кўп омилли эконометрик модель статистик аҳамиятли ва ўрганилаётган жараёнга мос экан. Демак, ушбу моделдан қишлоқ хўжалигининг натижавий омилларини прогноз қилишда фойдаланиш мумкин.

5. Прогноз даврида қишлоқ хўжалигида ИТТКИ ҳажмининг ҳам ортишини кузатиш мумкин. Жумладан, агар 2010 йилда бажарилган ИТТКИ ҳажми 122685,9 млн.сўм бўлган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 621521,0 млн.сўмни ва ўсиш 5,1 баробарни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги фанлари соҳалари бўйича умумий тадқиқотчилар сони 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 7,1 фоизга ошганлигига қарамай, бу кўрсаткич айнан қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли бўлган тадқиқотчилар улуши анча паст. Барча фан йўналишлари бўйича тадқиқотчилар (докторантлар)нинг умумий сони 2018 йилда 31835 тани ташкил қилган бўлса, уларнинг атиги 28,1 фоизи табиий, 19,4 фоизи гуманитар, 16,5 фоизи

техника, 16,3 фоизи ижтимоий ва 12,6 фоизи тиббиёт фанлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Таҳлилларга кўрсатишича, инновацияларга бўлган талаб етарли тарзда ўрганилмаган, маркетинг, оптималлаштириш, кластерлар тизими, логистика ва корпоратив бошқарув соҳасида тадқиқотлар ва илмий ишланмаларга буюртмалар шакллантирилмаган, бу эса тармоқда таҳлика даражасини камайтиришда ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

6. Қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланиш даражасини аниқ баҳолаш мақсадида эксперт баҳолаш усулидан фойдаланган ҳолда фермер хўжаликлари раҳбарларининг ижтимоий сўрови амалга оширилди. Сўровда иштирок этган фермер хўжаликлари раҳбарларининг 33,4 фоизи инновацион фаолликнинг ўрта даражаси ва 5,6 фоизи паст даражаси билан тавсифланади.

Умуман олганда, инновацион технологияларни қўллашда 10 000 минг сўмдан зиёд бўлган хусусий капиталга ҳамда илғор технологиялардан фойдаланиш учун қарз маблағларини жалб қилиш имкониятга эга бўлган фермер хўжаликларининг раҳбарлари қатнашдилар. Айнан шу хўжаликларда 1 га тўғри келадиган даромад даражаси юқори бўлиб, улар ўз иқтисодий манфаатларини оптимал даражада рўёбга чиқаришга эришганлар. Шу сабабли, фермер хўжаликларининг инновацион асосда кейинги ривожланиш йўли инвестицияларнинг ўсиши ва капиталнинг жамғарилиши билан узвий боғлиқ.

7. Диссертацияда АМХнинг ташкилий-бошқарув ва ҳуқуқий шаклини танлашнинг услубияти ишлаб чиқилиб, оптимал шаклини танлашнинг мезон баҳолари (ранглари) асосида ҳудудий АМХни илмий-тадқиқот институтлари ва ОЎЮлари таркибида ҳамда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қошидаги консалтинг марказлари кўринишида ташкил этиш самарали, деб топилди. Чунки, АМХ ишлаб чиқариш функциясини бажаришда рўй бериши мумкин бўлган рискларни минималлаштиришга кўмаклашади.

8. Аграр соҳада инновацион ривожланиш босқичида турган ахборот-маслаҳат марказлари инновациялар трансферти масалаларини ҳал этишда асосий ўринни эгалаши лозим. Шу боисдан, АМХларининг инновацион маълумотлар базасини шакллантириш ва уларни кенг тарқатиш долзарб масала ҳисобланади. Бу эса қишлоқ хўжалигида иқтисодий салоҳиятдан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

9. Мамлакатимизда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг кенг интеграциясини таъминлаш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, инновацион технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда аграр соҳа учун мутахассисларни тайёрлашни фаоллаштириш мақсадида муаллиф томонидан аграр соҳада инновацион жараёнларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш тизими таклиф этилди. Ушбу тизимнинг амалий иловаси сифатида Тошкент давлат аграр университетида агротехнопаркни ташкил этиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.01.2020.1.10.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**РУСТАМОВА ИРОДА БАХРАМЖАНОВНА**

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОВЫШЕНИЯ  
ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В  
АГРАРНОМ СЕКТОРЕ**

08.00.04 – Экономика сельского хозяйства

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

**Ташкент-2020**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан 2020.I.DSc/Iqt15**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Саматов Гаффор Аллакулович</b> доктор экономических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Назарова Фотима Хакимовна</b> доктор экономических наук, профессор
	<b>Алиев Яшнар Эгамбердиевич</b> доктор экономических наук, доцент
	<b>Хамраева Сайёра Насимовна</b> доктор экономических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета № DSc.03/30.01.2020.I.10.03 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по присуждению ученых степеней. Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 237-46- 68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный № \_\_\_\_\_). Адрес: 100000, город Ташкент, улица Кари-Ниязий, дом 39. Тел.: (99871) 2371945, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол реестра № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**У.П. Умурзаков**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Б.Ф. Султанов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н.

**Н.С. Хушматов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Согласно мировому опыту, создание, внедрение и широкое распространение новых продуктов, услуг и технологических процессов, основанных на знаниях, становятся важным фактором производства, занятости и объема инвестиций, что обуславливает формирование и повышение эффективности интенсивной модели организации производства, повышения производительности труда, экономии трудовых и материальных затрат, улучшения качества выпускаемой продукции. Значимым фактором роста конкурентоспособности любой страны является ее поэтапный переход на инновационный путь развития. По мнению ученых, ключевая роль в решении стратегически важных проблем различных стран в XXI веке отводится экономике, основанной на знаниях, или инновационной экономике<sup>22</sup>. За последние 15 лет количество людей, работающих в сфере инноваций в США и Западной Европе, увеличилось вдвое, а в Юго-Восточной Азии - в 4 раза. Доля инновационно активных промышленных предприятий в Европейском Союзе составила более 56 процентов. В развитых странах мира на инновации приходится 75 процентов валового внутреннего продукта<sup>23</sup>.

В условиях глобального изменения климата в предстоящие десятилетия агропродовольственный сектор столкнется с резким ростом мирового спроса и обострением конкурентной борьбы за ограниченные природные ресурсы, а это потребует адаптации к изменениям климата и смягчения процесса таких изменений. Инновации, как уже упоминалось, выступают в качестве важнейших инструментов, необходимых для удовлетворения растущего спроса и содействующих расширению сетевых комплексов, получивших название продовольственных систем, которые объединяют устойчивое производство, обработку, распределение и потребление продуктов питания, утилизацию отходов<sup>24</sup>. По оценкам ученых, к 2050 году население планеты достигнет 9,6 миллиарда человек и для того, чтобы обеспечить их продовольствием, необходимо будет увеличить производство продуктов питания на 60 процентов по сравнению с сегодняшним<sup>25</sup>. Зарубежные тенденции показывают, что каждый год количество созданных инноваций (признанных в зарубежных патентных ведомствах), приходящихся на каждый миллион жителей, составляет: в США – 261,7; в Японии – 213,0; в Германии – 206,3; во Франции – 171,9; в России – 1,3<sup>26</sup>.

---

<sup>22</sup> <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-economy-ru/2851-sergej-voronin-stimulirovanie-innovatsionnogo-razvitiya-v-respublike-uzbekistan>

<sup>23</sup> [http://www.innovation.uz/docs/FORMING\\_NIS.pdf](http://www.innovation.uz/docs/FORMING_NIS.pdf)

<sup>24</sup> [https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article\\_0006.html](https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2017/article_0006.html)

<sup>25</sup> <http://www.fao.org/3/c-i6273r.pdf>

<sup>26</sup> Гулямов С.С. Пандемия оқибатларини бартаараф этишда инновацион иқтисодиётнинг аҳамияти. Молия ва Банк иши (электрон илмий журнал). Пандемия ва иқтисодиёт. (махсус сон) №2. 2020. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz)

Сегодня в Узбекистане реализуются последовательные меры по обеспечению более широкой интеграции науки, образования и производства, созданию и применению новых знаний, внедрению инновационных технологий и передового опыта. Однако проблемы, уже много лет не находящие своего решения, связанные с недоведением процессов внедрения инновационных технологий и результатов научных исследований, направленных на развитие аграрного сектора, до самых низших звеньев сферы, препятствуют ускоренному развитию аграрного сектора. В этой связи, на перспективу в качестве приоритетного направления развития сельского хозяйства определено “развитие науки, образования, системы информационных и консультационных услуг, предусматривающих применение эффективных форм распространения знаний и информации, интегрированных с производством и научно-исследовательскими, образовательными и консультационными услугами в сельском хозяйстве”<sup>27</sup>. Данное обстоятельство вызывает необходимость разработки научно-методических основ повышения эффективности инновационных процессов для повышения экономического потенциала субъектов сельского хозяйства, проведения системных исследований по научно-теоретическим и методологическим аспектам этих процессов.

Диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, отмеченных в Законе Республики Узбекистан от 29 октября 2019 года № ЗРУ-576 «О науке и научной деятельности», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 20.11.2018 г. № ПП-4020 «О мерах по созданию дополнительных условий для развития тепличных комплексов», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17.04.2019 г. № ПП-4292 «О совершенствовании деятельности Министерства сельского хозяйства Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 19.08.2019 г. № ПП-4421 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Ташкентского государственного аграрного университета», Указе Президента Республики Узбекистан от 21.09.2018 г. № УП-5544 "Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы", Указе Президента Республики Узбекистан от 23.10.2019 г. № УП-5853 «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

---

<sup>27</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 “Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 – 2030 годы”.

## **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>28</sup>.**

Научные исследования, связанные с созданием, разработкой инновационных технологий в сельском хозяйстве и их адаптацией к изменению климата, осуществляют и в определенной степени достигают положительных результатов такие ведущие мировые научные центры, как Университет и научно-исследовательский центр Вагенингена (WUR), Продовольственная и сельскохозяйственная организация Организации Объединенных Наций (FAO), Международный центр сельскохозяйственных исследований в засушливых регионах (ICARDA), Программа развития Организации Объединенных Наций (UNDP), Глобальный экологический фонд (ГЭФ), Администрация развития сельского хозяйства в Корее (RDA).

В области осуществления интеграции науки, образования и производства в высших образовательных заведениях мира, в том числе в центре сельскохозяйственных исследований и экстеншн сельскохозяйственного колледжа Пенсильвании (KARE), Пенсильванском государственном колледже сельскохозяйственных наук (FRES) разработаны предложения и рекомендации по направлениям развития информационно-консультационных услуг (extension) по продвижению и внедрению инноваций для сельскохозяйственных товаропроизводителей. Методические рекомендации по созданию инновационных технологий в растениеводстве и оценке экономической эффективности инновационных технологий в сельском хозяйстве разработаны Всероссийским научно-исследовательским институтом экономики сельского хозяйства (ВНИИЭСХ), Всероссийским Институтом растениеводства (ВИР).

В настоящее время ведутся мировые исследования по инновационным процессам и повышению их эффективности в аграрной сфере по следующим направлениям: совершенствование механизмов развития системы науки, образования, информационно-консультационных услуг; оценка эффективности инновационных технологий; совершенствование научных основ развития инновационных процессов в сельском хозяйстве.

**Степень изученности проблемы.** Проблемы совершенствования научно-методических основ повышения эффективности инновационных процессов в аграрном секторе экономики исследованы такими зарубежными учеными, как J.C.Aker, F.C.Anaeto, N.P.Archer, N.S.Bentsen, A.B.Berger, J.N.Binam, B.Griffith, B. Gebremedhin, D.Y.Delong, A.Pakes, J.Putnam, S.Kamiyama, K.Knickel, A.Knierim, P.Labarthe, A.Lopez, B.Livson, D.H.Luthy, J.O.Lanjouw, T.Nguen, P.K.Reddy, M.W.Rosegrant, E.M.Smeets, P.H.Sullivan,

---

<sup>28</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе следующих источников: <https://www.wur.nl/en.htm>, <http://www.fao.org/about/what-we-do/ru/>, <https://www.icarda.org/research/innovations>, <https://open.undp.org/projects>, <http://www.rda.go.kr/foreign/ten/>, <https://www.osu.edu/research/>, <https://msu.edu/research/>, <https://www2.calstate.edu/impact-of-the-csu/research/ari>, <http://www.vniiesh.ru/results/katalog/2302>, <http://kare.ucanr.edu/>, <https://agsci.psu.edu/research/extension-centers/frec> и др.

T.A.Stewart, B.H.Hall, T.Hagerstrand, V.Hoffmann, J.Harrington, N.C.Havkins<sup>29</sup> и др. Вопросы совершенствования развития инновационных процессов в сельском хозяйстве широко изложены в исследованиях ученых из стран СНГ В.М.Анышин, В.Г.Андрейчук, А.И.Аверкиев, В.М.Баутин, И.В.Гонтарева, В.И.Драгайцев, В.М.Кошелев, Л.В.Лёвина<sup>30</sup>.

